



## БОЛАЛАРДА МИЛЛИЙ ВА МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШНИ ТАРБИЯЛАШ.

Алмарданов Жўрабек Бобоназарович

ТерДУ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7270945>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> October 2022

Accepted: 20<sup>th</sup> October 2022

Online: 31<sup>st</sup> October 2022

### KEY WORDS

тарих, анъана, комил инсон,  
жамият, умумбашарий,  
қадрият, интеллектуал,  
обида.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёшларни миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий боғлиқ ҳолда комил инсон қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари қаторида “-таълимнинг миллий йўналтирилганлиги таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; -

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада болаларни комил инсон қилиб тарбиялашда миллий ва маданий қадриятларнинг ўрни ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳақида маълумот берилган.*

иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.” вазифалари белгилаб қўйилган. Жаҳоннинг барча мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам шахс ва жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти унда истиқомат этувчи фуқаролар томонидан юксак қадрланиши ўсиб келаётган ёш авлодларга энг намунавий тарбия усули бўлиб, болалар атрофдаги катталар томонидан кўрсатилаётган хулқ-атворга тақлид қилиб улғайишади. Мактабгача ёшдаги бола ўз атрофидаги табиий-ижтимоий муҳит таъсирида ва маҳаллада ўрнатилган урф-одатлар ва қадриятлар асосида яшайди. Зеро, юртимизнинг миллий ва маданий қадриятлари, унинг келгуси ҳолати айнан уларнинг бўлган муносабати орқали белгиланади. Заминимиздаги табиий манбаларни асраб авайлашнинг



энг муҳим воситаларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодни тарихий ёдгорликлар билан таништириш, уларни ҳурмат қилиш ва асрашга оид билимлардан хабардор қилиш, уларга тарбия ва таълим бериш муҳитини самарали тшкил этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўлимида “ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.” деб белгиланиб олинган. Магистрлик тадқиқот ишимиз давомида вилоятимиздаги тарихий обидаларни болалар учун қизиқарли, ёрқин кўргазмали шаклда электрон кўринишда тайёрлаб, таълим ва тарбия бериш мақсад қилиб олинган. Электрон дарсликда тарихий обидалар билан танишиш, уларга муносиб ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унинг бузилиши, ифлосланишига йўл қўймаслик, қадриятларга нисбатан ахлоқий қимматдаги ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш малака ва кўникмалари эга бўлиш болалиқдан ривожлантирилсагина мақсадга эришиш мумкинлиги кўзда тутилади. Комил инсонни тарбиялаш, таълим бериш каби айна мақсадлар инсоннинг

бутун ҳаёти давомида мафкура, сиёсат, санъат, адабиёт, илмий билимлар, ишлаб чиқариш амалиёти, таълим-тарбия, ташвиқот орқали амалга оширилиши мумкин. Бу ишларнинг дастлабки шакллари мактабгача таълим ёшидан бошланиши зарур. Ватанимизнинг бой тарихи, меросига нисбатан ҳурмат, эҳтиёткорона муносабат ва унга масъулият билан қараш ҳиссини мактабгача ёшдаги ҳар бир бола шахсида тарбиялашимиз лозим.

Аҳолини, айниқса, ёшларни бой маънавий меросимиз, миллий ва тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, демократия ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган ислохатларнинг ҳал қилувчи омилидирки бунда, миллий тарихимизда акс этган қимматли ғоялари билан ўз ҳиссаларини қўшган алломаларимизнинг меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларани методологик аҳамиятга эга: “Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятни тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.”

Маълумки, инсоният тарихида илк давлатчилик пайдо бўлгандан то хозирги кунларимизга қадар инсонларнинг илм – маърифий ва маънавий қиёфасига, жамиятнинг таълимий – маданий савияси ривожига



катта эътибор қаратилиб келинган. Сабаби, бирор мамлакатни фаровонлиги, тинчлиги ҳамда иқтисодий, сиёсий, ва ижтимоий жараёнларни ижобий томонга йўналтирадиган асосий “мурувватни” ўша давлат фуқароларининг интеллектуал салоҳияти белгилаб беради.

Хулоса қилиб, айтадиган бўлсак тарихни обидаларни ёритиш, миллатимизга, миллийлигимизга оид тарихий мерослар ва қадриятларни ҳаққоний ва таҳлилий ўргатиш ёшларда тарихий хотирани шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

## References:

- 1.-Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. 3.3.1-банди. 2.-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон,295-модда
- 3.- Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. 4.4-банди. 4.-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон,295-модда
- 5.- Каримов И.А., Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Ўзбекистон”, 1998. 10 б.
- 6.- Ортиқов Ш., Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда тарихий хотиранинг аҳамияти.Илмий конференция. 2013 йил
- 7.Dilmurodovna, S. M. (2019). Psychological properties of tolerance. Проблемы науки, (6 (42)), 108-109.
- 8.Qizi, S. M. D. (2022). Socio-Psychological Views of Eastern Thinkers on Social Tolerance. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(3), 219-220.
- 9.Sattorova, M. (2020). Social tolerance is period demand. Scientific research results in pandemic conditions (COVID-19), 1(03), 150-152.
- 10.Sattorova, M. (2022). DIAGNOSTICS OF SOCIAL TOLERANCE OF STUDENTS. Science and innovation, 1(B5), 526-528.